

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВ САРВАР ЮЛДАШЕВИЧ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ЖАРАЁНИНИ ИННОВАЦИОН – ВАРИАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Махмудов Сарвар Юлдашевич**

Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш жараёнини инновацион –  
вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш .....3

**Махмудов Сарвар Юлдашевич**

Совершенствование процесса повышения квалификации работников  
народного образования на основе инновационно – вариативного  
подхода.....33

**Maxmudov Sarvar Yuldashevich**

Improving the process of training of public education workers on the basis of  
innovation – variative approach.....65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....69

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВ САРВАР ЮЛДАШЕВИЧ**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ЖАРАЁНИНИ ИННОВАЦИОН – ВАРИАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори диссертацияси мавзуси (DSc) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Ped153 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мусурмонова Ойниса**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Холбой**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Мардонов Шукрулло Кулдашевич**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Юлдашев Мақсуджон Абдуллаевич**

педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.03/30.01.2020 Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» сентябр соат 8:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu.kengash@edu.uz](mailto:tdpu.kengash@edu.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29.09 – рақам билан рўйхатга олинган).

Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «29» 09 куни тарқатилди.

(2021 йил «29» 09 даги 2021/09/29 рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Иянов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшиқдаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSC) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда педагог кадрларнинг малакасини узлуксиз ошириш орқали таълим тизими сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг инновацион – вариатив технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 70 йиллик юбилей сессиясида қабул қилинган “Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDGs)”, БМТнинг “Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича махсус ташкилоти (United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization)”, “Европа олий таълим макони (EHEA)”, “Касбий таълимни ривожлантириш бўйича Европа маркази (CEDEFOP)”, “Ҳаёт давомида таълим олиш Маркази (DIE) ҳамда “Халқ университетлари немис ассоциацияси халқаро ҳамкорлик институти (DVV International)” концепцияларида “кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда компетенцияларга асосланган таълим (competence-based learning)” моделини амалга ошириш орқали уни инсонпарварлаштириш, ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича йирик амалий лойиҳалар тизимли олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларда педагог кадрларнинг соҳага оид умумкасбий ва ижтимоий билимларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини, инновацияларни, IT-технологияларни малака ошириш жараёнига киритиш, замонавий электрон ўқув ресурслари, мультимедиа, масофавий таълим шакллари такомиллаштириш, катталар таълими соҳасида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг малакасига қўйиладиган таянч меъёрларини белгиловчи “Curriculum globALE” дастури асосида халқаро миқёсда андрагогик таълим соҳасининг профессионаллашувини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнларини инновацион – вариатив ёндашувнинг ахборот-дидактик таъминотини модернизациялаш асосида такомиллаштириш, эҳтиёжга асосланган мазмун билан таъминлаш масалалари бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, касбий ривожланишнинг янги, такомиллашган вариатив механизмларини татбиқ этиш, рақамли иқтисодиёт шароитида онлайн ва офлайн технологияларига асосланган масофавий малака ошириш курсларини жорий этиш, ўқув адабиётлар ресурсларини халқаро тажрибалар асосида янгилашнинг ҳуқуқий-меъерий асослари яратилди ва моддий-техника базаси ривожлантирилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини

давом эттириш”<sup>1</sup>, таълим тизими соҳасидаги устивор вазифалар этиб белгиланди. Натижада халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш жараёнида вариативлик, табақалашган, поғонали тизимлари ҳамда масофавий шаклларнинг жорий этилиши малака ошириш тизимини инновацион – вариатив ёндашувлар асосида янада такомиллаштириш имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538 сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини кўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши ҳам муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Юқори малакали кадрлар тайёрлаш, педагогларнинг малакасини ошириш жараёнларини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришга оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Harvard University, New York University, Stanford University, Graduate School of Business, University of Chicago, The World Bank (АҚШ), Oxford Brookes University, University of Cambridge (Буюк Британия), University of Munster (Германия), Wageningen University and Reserch Center (Нидерландия), the Korean (Жанубий Корея), the Japanese International Cooperation Agency (Япония), International University of biznes and economical (Хитой), Singapore Management University (Сингапур), UNDP, UNESCO Швейцария халқаро ҳамкорлик агентлиги (ШАРС), Европа таълим фонди, ТАСИС, ЛСА, Халқаро меҳнат ташкилоти, Осие тараққиёт банки, ЛСА, Германиянинг DSE фонди, ИНВЕНТ Халқаро малака ошириш институти (Германия), АКСЕЛС Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши, Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) каби халқаро ташкилотлар, Москва давлат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947 – сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

университети ва Россия иқтисодий университетиди (Россия) олиб борилмоқда.

Жаҳонда юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, малака ошириш самарадорлигини оширишга оид тадқиқотлар натижасида қатор, шу жумладан, қуйидаги илмий ва амалий натижалар олинган: инновацион таълим тизимининг интеграциялашган тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилган (World Bank and UNDP, Harvard University, New York University, Stanford University, АҚШ), интеллектуал капитал ва кадрлар инновацион салоҳиятига таъсир этувчи омиллар аниқланган ҳамда уларнинг таъсир доираси Европа Иттифоқининг корхоналари мисолида баҳоланган (Wageningen University and Reserch Center, Нидерландия). Олий таълим муассасаларида малака оширишни ташкил қилиш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш (World Bank and UNDP) ва минтақанинг иқтисодий ўсиш моделлари яратилган (University of Sheffield, Англия)<sup>2</sup>.

Жаҳонда педагог кадрлар малака ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: малака оширишнинг вариатив модели (АҚШ, Германия, Нидерландия), педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш (Япония, Хитой, Россия); юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш (Жанубий Корея, Сингапур, Хитой, Россия), рақобатбардош кадрлар тайёрлаш (Франция), таълим орқали рақобатбардошликка эришиш тизимини ривожлантириш (Англия), олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш ишларини тизимлаштириш (Аргентина), таълимга кириб келган илғор, замонавий технологиялар асосида ривожланишни технологик жиҳатдан модернизациялаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз олимларидан малака ошириш тизимини ривожлантириш бўйича Р.Джураев, У.Бегимкулов, О.Мусурманова, У.Иноят, С.Турғунов, Ж.Йўлдошев, Ш.Қурбонов, Э.Сеитхалилов, М.Мирсолиева, Х.Рашидов, А.Хўжабоев, Ш.Шарипов, М.Юлдашев, Х.Ибрагимов, Т.Шаймардонов, А.Асқаров, А.Ибрайимов,

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи: World Bank and UNDP (2009); “Putting Higher Education to Work: Skills and Research for Growth in East Asia”. World Bank East Asia and Pacific Regional Report. World Bank: Washington DC. European Commission (2011); Higher Education in Uzbekistan: Structure, Developments and Reform Trends. Tashkent: United Nations Development Programme Representative Office in Uzbekistan. European Commission. (2012). “HigherEducationinUzbekistan”. July 2012; Дровяников В.И. Методология, модели и механизмы организационно-экономического управления в мультиагентной системе подготовки профессиональных кадров. Дисс. ... д-ра эконом. наук. – Самара, 2010.; Узбекистан. Модернизация системы высшего образования. Сектор по человеческому развитию. Отдел по работе со странами Центральной Азии. Региональное управление по Европе и Центральной Азии. Документ Всемирного банка. – 2014.; Черноус Т.Ф. Основные тенденции модернизации национальной системы подготовки кадров высшей квалификации в новых социально-экономических условиях // Высшее образование Кыргызской Республики. – 2008. – 2 (12).; Шумейко А.А. Интернационализация и регионализация высшего образования как фактор развития конкурентоспособности университета // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – 6.; Куролов Қ.Қ. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таълим тизимининг такомиллашуви қонуниятлари. Иқт. фанл. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 87 б.; Ajwad, Mohamed Ihsan Stefan Hut, Ilhom Abdulloev, Robin Audy, Joost de Laat, Sachiko Kataoka, Jennica Larrison, Zlatko Nikoloski, and Federico Torracchi, 2014. “The Skills Road: Skills for Employ ability in Uzbekistan”, World Bank, Washington, DC. ва бошқ.

Д.Хидоятова, М.Шодмонова, А.Азимжановалар тамонидан тадқиқотлар олиб борилган<sup>3</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдустлиги мамлакатларида малака ошириш муаммолари юзасидан Т.Базаров, А.Деркач, И.Зимняя, Э.Зеер, В.Зверева, Ю.Васильев, В.Лазарев, В.Сластенин, Г.Абдрахманов, В.Топоровский, А.Моисеев, М.Поташник, П.Третьяков, Т.И.Шамовалар тамонидан ўрганилган.

Мавзуга оид бўлган муаммонинг илмий-назарий масалалари бўйича хорижлик олимлар В.Cole, E.El-Khawas, J.Goldberg, L.Harvey, D.Westerheijden каби олимларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ–2014-0906164153 “Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқитувчиларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиш” (2015-2017йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инновацион-вариатив ёндашув асосида халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

---

<sup>3</sup> Аҳмедова Н.Қ. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарияси ва амалиёти: Монография. – Тошкент: Фан, 2013. –109 б.; Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. – Тошкент., “Voriz-Nashriyot”, 2012. – 167 б.; Мирқосимов М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 159 б.; Шодмонов Қ.О. Олий ўқув юртлири касб таълими йўналиши талабаларини бошқарув фаолиятига тайёрлаш: Пед.ф.н. ...дисс. – Тошкент, 2008. – 153 б.; Воронцова В.Г. Гуманитарно-аксиологические основы постдипломного образования педагога: Монография. Псков: Изд-во ПОИПКРО, 1997. –421 С.; Шмырева Н.А., Губанова М.И., Немова Н.В. Управление методической работой в школе. – М., 1999. – 46 С.; Гуров В.Н., Степанов С.В. Управление развитием и функционированием образовательных учреждений. - Ставрополь: Изд-во СГУ, 2000.-157 С.; Крецан З.В. Педагогические системы: научные основы, управление, перспективы развития. - Кемерово, 2002.; Лазарев В. С. Системное развитие школы. – М., 2002. – С. 51.; Шамова Т.И., Третьяков П.И., Капустин Н.П. Управление образовательными системами: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений/ Под ред. Т.И. Шамовой. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2002.-320 с.; Ҳасанов А. Мусика ва тарбия. –Т., Ўқитувчи, 1993.-142 б.; Нурматов Х. Педагогические основы формирования музыкально-эстетической культуры младших школьников Узбекистана: -Дисс...докт.пед.наук в виде науч.док. –Т.,1994. -52 с.; Жураев Ф. Становление и развитие массового музыкально-эстетического воспитания учащихся молодежи в кружках узбекских народных инструментов: - Автореф.дисс...канд.пед.наук. –Т.,1979.-19 С.; Камалова Д.И. Идейно-нравственное воспитание подростков средствами музыкального искусства: -Автореф.дисс...канд.пед.наук. –Т., 1990. -17 С.; Васильченко О.А. Формирование эстетического вкуса подростков в процессе школьной музыкально-хоровой деятельности: - Автореф.дисс...канд.пед.наук.–Т., 1991.-17 С.; Азимов Б.Г. Нравственное воспитание молодежи средствами народной музыки (на материале музыкальной самодеятельности ПТУ Республики Узбекистан): дисс...канд.пед.наук. –Т., ТДПИ, 1991.-188 С.; Аннамуратова С.К. Художественно-эстетическое воспитание школьников Узбекистана. –Т., Фан, 1991.-370 С.; Жанайдаров Ш. Патриотическое и интернациональное воспитание учащихся молодежи средствами музыки: Автореф. Халилов Ф.А. Дидактические основы инструментально-исполнительской подготовки будущих учителей музыки: -Дисс...докт.пед.наук. – Т., 2001.-216 С.Раҳбар ва ходим. Тузувчилар: Н.Комилов, А.Бегмагов, М.Куროнов. – Тошкент: “Академия”, 1998.; Йўлдошев Ж.Ф. Таълим янгилашиш йўлида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – 207 б.; Йўлдошев Х.Қ. Таълим йўналишида малака ошириш тизимини такомиллаштириш омиллари //Халқ таълими журнали. – 2006. – №1. – 7-11-б.; Курунов М.. Мактаб маъмурияти ва миллий тарбия. –Т.: Фан, 1999.; Атласова О.М, Развитие профессиональной компетентности руководителей школ в процессе повышения квалификации: Автореф. дисс. к.п.н.СПб., 1995.; Бердникова З.А. Педагогические условия подготовки будущих руководителей профессиональных училищ к управлению качеством начального профессионального образования: Дис.канд. пед. наук. /З.А. Бердникова. - Челябинск, 1999. - 169 С.; Гришина Е.А. Процесс формирования коммуникативных умений специалиста-менеджера.: Автореф. дис. канд. пед. наук. – Волгоград, 1999. – 21 С.; Некрасов А.В. Развитие системы профессиональной переподготовки и повышения квалификации руководителей сферы образования на основе компетентного и личностно-ориентированного подходов: дисс. канд.пед. наук : 13.00.08 / А.М.Некрасов; МГТУ им. Баумана. Москва, 2010. – 142С.; Тонконогая Е.Л. Дидактические основы обучения руководителей общеобразовательных школ в системе повышения квалификации педагогов: Дисс. д. п. н. СПб., 1997.



### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш жараёнларини инновацион – вариатив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг фалсафий, педагогик ва психологик имкониятларини таҳлил этиш;

халқ таълими ходимлари малакасини оширишга инновацион – вариатив ёндашувнинг ахборот-дидактик имкониятларини такомиллаштириш;

халқ таълими ходимларининг малака ошириш тизимида вариатив технологияларни татбиқ этишнинг ижтимоий-педагогик моделини такомиллаштириш;

малака ошириш жараёнини узлуксизлигини инновацион – вариатив – табақалашган, поғонали, андрогогик, шахсий-фаолиятли ёндашувлар ҳамда ижтимоий-педагогик механизмлар асосида такомиллаштириш;

инновацион – вариатив ёндашув асосида халқ таълими ходимларининг узлуксиз малака ошириш жараёнларини педагогик, ташкилий, иқтисодий ёндашувлар синтези асосида такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш жараёнларини инновацион – вариатив ёндашув асосида такомиллаштиришдан иборат бўлиб, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (*215 нафар тингловчи*), Наманган вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (*318 нафар тингловчи*), Бухоро вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (*245 нафар тингловчи*) иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предметини** халқ таълими ходимларининг малака ошириш тизимини инновацион – вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун тадқиқот жараёнида илмий-методик адабиётларни қиёсий ўрганиш, тизимли таҳлил, педагогик диагностика, сўровнома, интервью, илмий прогноз, моделлаштириш, импакт мониторинг, педагогик тажрибасинов, математик-статистик ва маълумотларни қайта ишлаш, интерпретация ҳамда корреляцион таҳлил каби назарий, эмпирик ва квалиметрик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш жараёни компетенциявий акмеологик, замонавий андрогогик мезонлар асосида, талаб ва эҳтиёжга асосланган, табақалаштирилган, вариативлик тамойилларининг касбий фаолият билан уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

табақалаштирилган вариатив малака ошириш технологиялари, малака оширишнинг ўқув-методик таъминоти мобиллигини таъминлаш, унификациялаш ҳамда андрогогик таълим талабларига мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

халқ таълими ходимлари малакасини ошириш жараёнининг прогрессив ташкилий-педагогик механизмлари инновацион – вариатив таълим технологияларини, вариатив ахборот ресурсларини таълим жараёнига эркин танлаш принципларини қўллаш асосида ишлаб чиқилган;

халқ таълими ходимларининг узлуксиз, вариатив малакасини ошириш тизими рақамли ахборот-коммуникация технологиялари воситасида креатив, мотивацион, рефлексив касбий кўникмаларни интеграциялаш, ўзини ўзи ривожлантиришга индивидуал ёндашув асосида такомиллаштирилган;

халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг табақалаштирилган вариатив технологиялари, диверсификацион дидактик жараёнлар импровизация, таълим технологияларининг синергетик имкониятлари, педагогнинг фасилитаторлик, тьюторлик функцияларига устиворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари учун модулли ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш йўриқномаси ишлаб чиқилган ҳамда барча олий таълим муассасалари малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетларига татбиқ этилган;

педагог кадрлар малакасини оширишга вариатив ёндашувнинг ижтимоий педагогик модели, ушбу модель бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган;

вариатив ёндашув асосида ташкил этилган педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнида тренингларни ташкил қилиш ва ўтказиш технологияси ишлаб чиқилган ва амалда фойдаланилган;

вариатив ёндашув асосида ташкил этилган педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнини педагогик мониторингини лойиҳалаш ва амалга ошириш методикаси ишлаб чиқилган ва амалда фойдаланилган;

“Педагогик мониторинг: Лойиҳалаштириш ва амалга ошириш”, “Дарснинг технологик харитасини лойиҳалаштириш ва шакллантириш”, “Амалий касбий таълим методикаси”, “Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлардаги информациявий таҳдидлар мониторинги (таҳлил, режалаштириш ва амалга ошириш)”; “Ёш илмий-педагогик ходимлар маънавий-ахлоқий, педагогик ва психологик дунёқараши, сиёсий нуқтаи назари ва эътиқодини мустаҳкамлашда илмий-педагогик, ўқув-методик нашрларнинг ўрни ва тезкорлиги”; “Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқитувчиларда информация таҳдидларни олдини олиш механизми”; “Умумий ўрта таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш технологияси” ҳамда “Маҳаллий ва хорижий нашрларда илмий мақолаларни ёзиш, нашр этиш технологияси” номли ўқув-методик қўлланмалар ҳамда ушбу қўлланмалар асосида Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш курслари учун ахборот-методик таъминот, электрон таълим ресурслари яратилган ва амалда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар расмий манбалардан олингани, эмпирик ўрганишлар

асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вариатив ёндашув асосида халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, импакт мониторингга оид назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги, акмеологик ҳамда андрогогик ёндашув асосида педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мазмуни, босқичлари ва динамикасининг аниқланганлиги, шунингдек, андрогогик тамойилларга таянган ҳолда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш механизмларининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вариатив ёндашув асосида халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш жараёни тузилмаси, халқ таълими ходимларининг вариатив ёндашув асосида малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, вариатив малака ошириш тизимининг ташкилий-педагогик моделининг ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, диссертация материаллари асосида халқ таълими тизими ходимларининг малакасини ошириш ўқув режа, дастурларини ҳамда ўқув-методик мажмуа мазмуни такомиллаштирилганлиги, модернизациялашган ахборот-методик таъминоти ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш жараёнини инновацион – вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича илмий натижалари асосида:

халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш жараёни компетенциявий акмеологик, замонавий андрогогик мезонлар асосида, талаб ва эҳтиёжга асосланган, табақалаштирилган, вариативлик тамойилларини касбий фаолият билан уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар “Халқ таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган Давлат талаблари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 17 июлдаги 2/2-731-сон маълумотномаси). Натижада, давлат талабларининг жорий этилиши тизимдаги барча малака ошириш таълим муассасаларида таълим жараёнларини инновацион ёндашув асосида ташкил этиш таъминлаган;

табақалаштирилган вариатив малака ошириш технологиялари, малака оширишнинг ўқув-методик таъминотини мобиллигини таъминлаш, унификациялаш ҳамда андрогогик таълим талабларига мувофиқлаштириш асосида такомиллаштиришга бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги 234-сон “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 1, 3, 5 ва 6-иловалари билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда

фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 июлдаги 89-03-1199-сон маълумотномаси). Натижада, ХТХМО муассасаларининг ташкилий тузилмаси ва ўқув-услугий таъминотини такомиллаштириш асосида таълим сифатини оширишга имкон яратди (Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 17 июлдаги 2/2-731-сон маълумотномаси). Натижада халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш самарадорлигини оширишга эришилган.

халқ таълими ходимлари малакасини ошириш жараёнининг прогрессив ташкилий-педагогик механизмлари инновацион-вариатив таълим технологияларини, вариатив ахборот ресурсларини таълим жараёнига эркин танлаш бўйича ишлаб чиқилган принциплари И1-ХТ-0-11142 “Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион кадрятли йўналишларини жорий этиш” (2012-2013 йй.) мавзусидаги, И-ХТ-0-67904 “Педагог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш механизмининг такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар илмий натижалари асосида ўқув-методик қўлланмани тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги ва Ф1-ОТ-0-90467 “Касб-хунар коллежларида касбларни меҳнат бозори эҳтиёжига мослигини таъминлаш механизмининг ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида белгиланган вазибалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 июлдаги 89-03-1199-сон маълумотномаси). Натижада малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари учун ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш бўйича йўриқнома амалиётга татбиқ этилди ҳамда барча малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари ўқув режа ва дастурлари ушбу йўриқнома асосида мувофиқлаштирилган;

халқ таълими ходимларининг узлуксиз, вариатив малакасини ошириш тизими рақамли ахборот-коммуникация технологиялари воситасида креатив, мотивацион, рефлексив касбий кўникмаларни интеграциялаш, ўзини ўзи ривожлантиришга индивидуал ёндашув асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар халқ таълими ходимларининг малака оширишдан кейинги фаолияти самарадорлиги мониторингини такомиллаштиришга доир таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 28 февралдаги 53-сон буйруғи билан тасдиқланган “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълими муассасаларида тингловчиларнинг малака оширишдан кейинги фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низомни тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 июлдаги 89-03-1199-сон маълумотномаси), (Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 17 июлдаги 2/2-731-сон маълумотномаси). Натижада, мониторинг асосида олинган маълумотлар малака ошириш курсларидаги таълим жараёнларини эҳтиёжларга асосланган ҳолда такомиллаштириб боришга хизмат қилган;

халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг табақалаштирилган вариатив технологиялари, диверсификацион дидактик жараёнлар, импровизация, таълим технологияларининг синергетик имкониятлари, педагогнинг фасилитаторлик, тьюторлик функцияларига устиворлик бериш

асосида такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар И-ХТ-0-67904 “Педагог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар илмий натижалари асосида ўқув-методик қўлланмани тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги ва Ф1-ОТ-0-90467 “Касб-ҳунар коллежларида касбларни меҳнат бозори эҳтиёжига мослигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 июлдаги 89-03-1199-сон маълумотномаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 17 июлдаги 2/2-731-сон маълумотномаси). Натижада, педагогик кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида инновацион – вариатив ёндашув асосидаги ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 19 халқаро ва 22 республика илмий-амалий анжуманларда чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 4 та монография, 14 та республика илмий журналларида, 3 та хорижий илмий журналида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, 250 саҳифа матн, 18 та жадвал, 33 та расм, 16 та гистограмма, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда 69 саҳифа иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертациянинг мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишни вариатив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида малака ошириш жараёнига инновацион ёндашувнинг назарий асослари ва малака ошириш тизимини ривожлантириш авваламбор, таълим жараёнини сифат жиҳатидан ўзгаришларга олиб келувчи инновацияларни ривожлантиришга боғлиқлиги, давлат, жамият ва таълим муассасаларининг малака ошириш тизимига қўяётган талабларининг қондирилиши, малака оширишнинг узлуксизлигини тадқиқ қилишнинг методологик тамойили ҳамда халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимида инновацион – вариатив ёндашувнинг яъни малака ошириш тизимида кўрсатилаётган таълим хизматларининг таълим

муассасалари ҳамда педагог кадрлар эҳтиёжларини инобатга олинган бўлишига, малака ошириш хизматлари тизимини назарий салоҳияти каби масалалар ёритилган.

Бунда диссертация мавзусининг ўзига хослиги ҳамда халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизими методологияси ва методикасининг ўзаро уйғунлигини ифода эта олганлиги тадқиқотнинг эмпирик, шунингдек, назарий ғояларининг шаклланишини таъминлади.

Ушбу бобда малака ошириш тизимига инновацион – вариатив ёндашув-нинг назарий асослари таҳлил этилди, ёндашув, педагогика методологиясининг категорияси сифатида, таълим жараёнини куришнинг усуллари ва метод-ларининг мавжудлиги билан тавсифланди.

Малака ошириш тизимига инновацион – вариатив ёндашувнинг назарий асослари қуйидагича ифодаланади (1-жадвал):

1-жадвалда ифодаланилганидек, мунтазамлик – мунтазам малака ошириш-нинг концептуал тамойиллари мақсадлар, таълим мазмуни, ташкилий тузилмалар ва педагогик технологияларнинг узвийлигини, узлуксизлигини аниқлайди. Узлуксиз, мунтазам малака оширишнинг назарий ва амалий қоидаларини умумлаштириш сифатида, андрагогика узлуксиз таълим жараёнида катталарни ўқитишнинг назарий ва амалий муаммоларини очиб беради.

#### 1-жадвал.

#### Малака ошириш тизимига инновацион – вариатив ёндашувнинг назарий асосларининг тузилмаси

Асос	Ғоя	Натижалар
Давлат, жамият ва таълим муассасаларининг халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимига қўяётган талабларини қондириш, малака оширишнинг узлуксизлигини, касбий фаолиятга алоқадорлигини, педагог кадрлар эҳтиёжига асосланганлигини таъминлаш	Халқ таълими ходимлари касбий билими, кўникмалари ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ малака ошириш сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш, малака оширишнинг бевосита ҳамда касбий фаолиятга алоқадор билвосита шакллари вариатив ва бир-бирини тўлдириш тамойиллари асосида амалиётга жорий этиш	Мунтазам равишда касбий ўзини-ўзи ривожлантириб бориш имкониятини берувчи узлуксиз малака ошириш тизимини амалиётга жорий этиш, вариатив ўқув режалари ва дастурлари мазмунини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда педагог кадрлар малакасини оширишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш

Малака ошириш тизимига инновацион – вариатив ёндашувни амалиётга жорий этиш, малака ошириш сифатини бошқаришнинг самарадор тизимини яратишни назарда тутади. Таълим сифати бошқа ижтимоий-иқтисодий тизимлар каби, стихияли бошқаришдан йироқ бўлиши ҳамда аниқ тизимли бошқарувга эга бўлиши лозим бўлади. Малака ошириш тизимига инновацион – вариатив ёндашувни амалиётга жорий этиш фақат административ йўл билан

амалга ошириб бўлмайди. Бу жараёнда юқорида таъкидлаб ўтганмиздек, жамиятнинг барча институтлари, таълим жараёнининг барча субъектлари иштирок этиши лозим бўлади.

Шунингдек, малака ошириш тизимига инновацион – вариатив ёндашув тизими сифатини таъминлаш учун қуйидагилар ижтимоий-педагогик шароитлар зарур бўлади: Сифатни назорат қилиш воситалари, малака ошириш сифати натижаларидан фойдаланиш мақсадлари ва шарт-шароитларини малака ошириш муассасалари масъуллиги ва мустақиллигини ошириш ҳамда эркинлаштириш ва демократлаштириш нуқтаи назаридан тадқиқ этиш лозим.

Мунтазамлик узлуксиз таълимнинг назарий ва амалий қоидаларини умумлаштириш сифатида, андрагогика узлуксиз таълим жараёнида катталарни ўқитишнинг назарий ва амалий муаммоларини очиб беради.

Андрагогик ёндашув тамойилларидан малака ошириш жараёнида таълим технологияларини танлашда мақсадли фойдаланиш катталар таълимини шахсий-фаолиятли парадигмасининг методологик асосини яратиш имконини беради.

Андрагогик моделдаги таълимнинг мақсади билимлар, кўникмалар, малакалар, тажрибаларнинг шаклланган тизимини қайтадан фикрлашга йўналтирилган. Бундай ҳолда малака оширишнинг самараси – таълим олувчи учун янги бўлган тажриба билан ўзаро муносабатга киришиш натижаси сифатида – янги шахсий кўрсатмалар, позициялар, фикрлаш стратегиялари, муносабатлар, ҳаёт фаолиятини олиб боришнинг янги сифатлари ва бошқалар кўринишида намоён бўлади (2-жадвал).


## 2-жадвал.

### Инновацион ёндашув – вариатив малака оширишда андрагогик ёндашувнинг методологик тамойиллари

<p><b>Инновацион ёндашув – вариатив малака ошириш тамойиллари</b></p>	<p>1. Катталар таълими шахснинг бутун умр давомида ўқишга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжи билан шартланади. 2. Катталар таълими ўз-ўзини аниқлаш жараёнида тушунган ҳолда фаолият кўрсатадиган шахснинг хусусияти сифатидаги субъектликка асосланади. 3. Катталар таълими шахсни ўқитишнинг замонавий мазмуни билан уни ўзлаштиришнинг ўзига мос усулларини эгаллаш шароитларини таъминлашни кўзда тутди.</p>
<p><b>Инновацион ёндашув – вариатив малака оширишда дарс бериш тамойиллари</b></p>	<p>1. Катта ёшдаги таълим олувчиларнинг ривожланиши хусусиятларининг қонуниятларини ҳисобга олиш. 2. Катта ёшдаги таълим олувчиларнинг касбий-шахсий тажрибасига таяниш. 3. Катта ёшдаги таълим олувчиларнинг эҳтиёжларига, сўровларига мос келадиган мазмунни танлаш, ташкил қилиш ва тақдим этиш.</p>
<p><b>Инновацион ёндашув – вариатив малака оширишда ўқитиш тамойиллари</b></p>	<p>1. Катта ёшдаги таълим олувчиларнинг ривожланишлари учун уларда бўлган мавжуд имкониятларга таяниш. 2. Катта ёшдаги таълим олувчиларнинг ўз касбий-шахсий тажрибаларини алмашиш жараёнида мулоқотга тайёрлиги. 3. Катта ёшдаги таълим олувчиларнинг билимларни очиқ тизим сифатида танқидий қабул қилиши ва ундан ўзининг шахсий қийинчиликларини бартараф қилиш учун ижодий фойдаланиши.</p>

Ушбу бобда шунингдек, педагогнинг касбий ўсиши ва фаоллиги; педагог ходимнинг малака оширишига эҳтиёжи; педагог ходимнинг касбий ўсиши ва ривожланиши илмий-назарий жиҳатдан тўлиқ очиб берилган.

Малака ошириш тизимига инновацион – вариатив ёндашувнинг кўриб чиқилган категориялари ва тушунчалари, уларнинг алоқалари ва муносабатлари қуйидаги схема кўринишида акс эттириш мумкин (1-расм).



**1-расм. Малака ошириш тизимига инновацион – вариатив ёндашувнинг концептуал схемаси**

Хулоса қилиб айтганда, малака ошириш тизимига инновацион – вариатив ёндашув тизимини жорий этиш халқ таълими ходимлари касбий билими, кўникмалари ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этишга, замонавий талабларга мувофиқ малака ошириш сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни оширишга, малака оширишнинг бевосита ҳамда касбий фаолиятга алоқадор билвосита шакллари вариатив ва бир-бирини тўлдириш таъйинлари асосида амалиётга жорий этишга, халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга ва ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Халқ таълими малака ошириш тизимида таълимнинг андрагогик моделини қўллаш, инновацион йўналтирилган амалиёт ва педагог кадрларнинг компетенцияларининг етарли даражада илмий асосланмаганлиги ўртасидаги зиддиятни бартараф этиш имконини беради.

Иккинчи боб “**Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишга вариатив ёндашишнинг ахборот-дидактик шарт-шароитлари**” деб номланиб, ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жамият аъзолари, айниқса, халқ таълими ходимлари маънавий-маданий сифатлари ва касбий компетентлиги ривожлантиришнинг янгидан-янги



педагогик имкониятларини излаш зарурлиги, педагогларнинг зарур даражада касбий тайёргарликларини ошириш, касбий фаолиятга алоқадор сифатларини ривожлантиришга, ахборотлашган жамиятда яшаш тарзининг тубдан ўзгариши, ахборотлашган жамият шаклланиши билан вужудга келган илмий-техникавий ва ижтимоий тараққиёт воқеъликларни малака ошириш мазмунига киритишга эътибор қилмасдан туриб, халқ таълими тизимида муносиб ходимларни шакллантириш, тайёрлаш мумкин эмаслиги ёритилган.

Бундан ташқари, малака ошириш тизимида инновацион – вариатив ёндашув, малака ошириш жараёнининг турли босқичларини танлашда малака оширувчилар ўқув фаолиятларини ташкил этиш усуллари сифатидаги таълим технологиялари тушунчасини кенгайтириш имконини бериши, узлуксизлик – таълимни тадқиқ қилишнинг методологик тамойили сифатида ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида муҳим глобал муаммо сифатида кўрсатилади.

“Малака ошириш жараёнида вариатив малака ошириш” тушунчасини қўллашнинг тадқиқот имкониятларини очиш “вариативлик” тушунчаси маъносини аниқлашни талаб қилади. Бу тушунчани талқин қилишда илмий амалиётда шаклланиган бир қанча ёндашувлар таҳлил қилинган.

Малака ошириш тизимида инновацион – вариатив ёндашув деганда нафақат мазмун жиҳатдан фарқланувчи вариатив дастурлардан (чуқурлаштирилган, кенгайтирилган даражадаги) фойдаланиш балки, таълим усуллари, шакллари ва таълим технологиялари билан фарқланувчи дастурларни ҳам назарда тутилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, вариативлик малака оширувчи шахсининг талаблари, эҳтиёжлари, имкониятларига йўналтирилган бўлади.

Шунингдек, малака оширишда вариатив ёндашув қуйидаги факторларга асосланади:

халқ таълими ходимларининг касбий компетентлиги, педагогик салоҳияти даражасига қараб малака ошириш дастурларининг турли-туманлиги;

малака ошириш тизимида талабларнинг ортиши ва ривожланишини инобатга олиниши;

малака ошириш тизимида замонавий ахборот-коммуникацион ва педагогик технологияларнинг ривожланиши ҳамда уларга бўлган талабнинг ортишини инобатга олиш.

Малака оширишда вариатив ёндашувни амалга оширишда малака ошириш муассасалари, таълимни бошқарув органлари қуйидаги йўналишларга асосий эътиборларини қаратишлари лозим:

халқ таълими муассасалари ходимларининг касбий компетентлик даражаси ва педагогик салоҳиятини оширишга йўналтирилган (қисқа муддатли, мақсадли малака ошириш курсларини ташкил этиш ҳамда барча талабларни, эҳтиёжларни инобатга олган малака ошириш дастурларини ишлаб чиқиш);

халқ таълими ходимларининг давлат, жамият ва таълим муассасалари талабларидан келиб чиққан ҳолда янги, замонавий педагогик кадрлар профессиограммасини (халқ таълими ходими ижтимоий-педагогик моделини) ишлаб чиқиш лозим;

халқ таълими ходимларининг вариатив ёндашув асосида малака оширганликларига қараб маънавий ва моддий рағбатлантириш чораларини кўриш.

Юқоридаги фикрлар инобатга олинган ҳолда, малака ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, халқ таълими ходимларининг эҳтиёжларини инобатга олишга ва вариатив малака ошириш дастурлари, педагогик технологиялардан жадал фойдаланишга олиб келади. Ушбу тарзда ёндашув эса малака ошириш тизимининг жаҳон таълим тизимига интеграциялашувини, малака ошириш жараёнида илғор педагогик ғоялар ва технологияларни татбиқ этилишини таъминлайди.

Тахлиллар натижасида, малакасини оширишнинг мослаштирувчи, тўлдирувчи ҳамда инновацион функциялари аниқланди, булар:

мослашиш функциясининг моҳияти, халқ таълими ходимларини замонавий таълимий вазиятларга тайёрлаш уларнинг, билим, кўникма ва малакаларини шу куннинг ижтимоий-педагогик талабларига мослаштиришга йўналтиришдан иборат;

тўлдириш функциясининг моҳияти, амалий педагогик фаолият давомида келиб чиқадиган ёки малака ошириш жараёнида вужудга келадиган бўшлиқларни тўлдиришдан иборат;

инновацион функция моҳияти, халқ таълими ходимларининг психологик-педагогик тайёргарлигини илмий-техникавий ривожланиш натижаларига мослаштириш заруриятини акс эттиради, педагогни ўз касби бўйича ижодий изланишга руҳлантиради.

Умуман олганда, халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш аксарият мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади. Малака ошириш жараёнида педагогнинг талаб ва эҳтиёжлари бир томондан, жамият ривожланишининг талаблари иккинчи томондан гавдаланади.

Ривожланган мамлакатларда давлат педагог кадрларга унинг билими ва кўникмасини янгилаш имкониятини беради, бу эса ўқитувчи, унинг ўқувчилари, таълим муассасаси, давлат ва жамиятнинг манфаатларига мос келади. Шу билан бирга, педагогнинг касбий ривожланиши учун масъулият улар орасида тақсимланади.

